

ISSN 2010-8419



**FarDU.
ILMIY
XABARLAR - НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФЕРГУ**

3 - 2017
I Y U N

О.АҲМАДЖОНОВА	
“Чинор” романи композициясидаги ўзига хосликлар.....	64
М.ЖУРАЕВА	
Бадиий адабиётда мутелик психологияси	66

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ТОШХҲЖАЕВА	
Бадиий нутқда риторик сўроқ гаплар ва уларнинг лингвопоэтик тадқиқи.....	69
Э.ИБРАГИМОВА	
Баҳонинг предмет ва белги ёрдамида ифодаланиши	73
Г.РОЗИҚОВА, У.ФАРМОНОВА	
Кўшма гапларга хос шакл ва мазмун номутаносиблиги	77
В.АМАНОВ	
Қадриятлар тизимида миллий, маданий ва лисоний дунёқараш	80
Д.ЮЛДАШЕВА	
Синтактик такрорларнинг бадиий-эстетик имкониятлари	83
Н.ҒОФУРОВА	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида мақол ва маталларнинг лингво-когнитив асослари ва уларнинг структурал-семантик жиҳатлари	86
Г.ЖҲРАБОЕВА	
Тарихий топонимларнинг шаклланишида апеллятивларнинг ўрни.....	88
Р.АХРОРОВА	
Тилнинг концепт доирасини ўрганиш муаммолари	92

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ж.ОТАЖОНОВ, Ф.МАХМУДОВА, М.РАЙИМЖОНОВА	
Бошланғич таълим педагогларининг педагогик жараёнда руҳий ёндашув масалалари	95
Ҳ.ҒАНИЕВА	
Таълим-тарбия жараёнида ўсмирлар хулқ-атворини намоён бўлишининг ижтимоий-психологик аспектлари	98

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.АБДУМАННОПОВ	
Интеграл операторлар қатнашган иккинчи тартибли ўзгармас коэффицентли дифференциал тенглама учун чегаравий масала	103
Ш.ОХУНЖОНОВА	
Оғзаки тарихни ёзма тарихга айлантириш жараёни ҳақида	106
М.ОМОНОВ, З.БОТИРОВА	
Арабча синиқ кўплик вазнидаги ўзлашма сўзлар ва уларнинг семантик хусусиятлари	109
О.ҲУСАНҲҲЖАЕВ	
Мақолларда қиёслаш, зидлаш муносабатини ифодалашда сонларнинг аҳамияти	111
Н.ЎРИНОВА	
Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий компетентликни шакллантириш йўллари	113
Н.АБДУЛАЗИЗОВА	
Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида зарарли одатларнинг олдини олишнинг педагогик-психологик асослари	115

ҒАНИМИЗ ҒИДОЙИЛАРИ

Сўхлик биринчи олим	116
---------------------------	-----

ХОТИРА

Мадамминбек Хотамович АҲМЕДОВ	117
Эркин Мўйдинович ТҲХТАСИНОВ	117

ТИЛНИНГ КОНЦЕПТ ДОИРАСИНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

Р.Ахророва

Аннотация

Концептни ўрганиш тилда ўз ўрнини топаётган ва тил бирликларидан у ёки бу объектларни ҳамда борлиқ ҳодисаларининг таърифланишини муҳим даражада белгиловчи ассоциатив тимсолий тушунча-тасаввурларни кўриб чиқишга қаратилган бошқа тилшунослик тадқиқотлари қаторида ўз ўрнига эга. Мақолада айни шу масалага бағишланган фикрлар илмий услубда акс этган.

Аннотация

В изучении единиц языка или его объектов, также как и происходящих определений ассоциаций, важную роль играет определение типичных концепционно-ориентированных лингвистических исследований. В данной статье изучены научные методы этого явления.

Annotation

The concept finds it's place in the study of the language and units or objects of the language, and how the resulting association definitions play an important role in defining a typical concept-oriented concept of linguistic research among it's place. The article in this issue reflects the opinion of the scientific method.

Таянч сўз ва иборалар: тил ўрганиш, концепт, таҳлил, тил муаммолари, қиёс.

Ключевые слова и выражения: изучение языка, концепт, анализ, проблемы языка, сравнение.

Key words and expressions: learning language, conception, analysis, problems in language, comparison.

Маълумки, тил орқали узатилаётган ахборот ушбу акс эттирилади олам билан чамбарчас боғлиқдир; одамлар нарсалар тўғрисида фақат ўзлари эришган ментал репрезентацияларнинг даражасида сўзлашишлари мумкин. Шунингдек, олам ҳақидаги билимлар ва, шу жумладан, тил ахбороти инсон онгида шунчаки жамғарилиб, бир-бирларидан мутлақо алоҳидалашган унсурлар кўринишида мавжуд бўла олмаслиги тўғрисида тегишли тасаввурга эга бўлиши жуда муҳимдир. Турли тоифадаги ахборот маълум тарзда умумлаштирилади ва айни шу йўл билан одам ахборотни ёдга олиш учун имкон топади ҳамда дастлаб мавжуд бўлган маълумотларни тўплаш орқали янги билимларни яратади.

Тил орқали ифодаланаётган ахборотнинг гештальтлар, семантик майдонлар, фреймларга ажратиб ўрганиш когнитив тилшуносликнинг энг долзарб масалаларидан биридир. Мана шулар қаторига, албатта, концептлар ҳам киради. "Концепт" атамаси тилшуносликда жорий этилган нисбатан янги атама бўлиб, тилшуносликнинг лингво-маданиятшунослик ва когнитив йўналишларида сўнгги йилларда эълон қилинган ишларда кўп қўлланмоқда.

Концептни ўрганиш тилда ўз ўрнини топаётган ва тил бирликларидан у ёки бу объектларни ҳамда борлиқ ҳодисаларининг таърифланишини муҳим даражада белгиловчи

ассоциатив тимсолий тушунча-тасаввурларни кўриб чиқишга қаратилган бошқа тилшунослик тадқиқотлари қаторида ўз ўрнига эга.

"Концепт" атамасининг жуда ҳам хилма-хил объектларга нисбатан қўлланишига унинг турли таърифларга эга бўлишига қарамай, бизнинг фикримизча, концепт тушунчасида унинг хилма-хил таърифларини бирлаштирадиган ва турли тоифа концептни концептуал тармоққа (тилнинг концепт доирасига) киритилиши мумкин бўлган умумийлик белгисини ажрата билиш имкони мавжуддир. Мана шу умумийлик белгиси сифатида биринчи навбатда концепт тилда ва нутқда акс эттириладиган олам тасвирининг унсури эканлиги, ҳатто тилнинг эмас, балки хотиранинг, билимнинг бирлиги тўғрисидаги тасаввур эътироф қилинади. Мана шундай йўсинда англаш "Когнитив атамаларнинг қисқача луғати"да келтирилган концептнинг таърифида акс эттирилган, яъни мазкур тавсифномага кўра, концепт – бу, "инсон руҳиятида акс эттирилган хотира"нинг ментал лексиконнинг (миллат учун хос бўлган жонли тилнинг), концептуал тизимнинг ва ақлий тилнинг, қолаверса, бутун олам тасвирини акс эттирувчи кенг ҳажмли бирлигидир. Концепт тушунчаси одам ўзининг фикрлаш жараёнларида қўллайдиган, тажриба ва билимнинг мазмунини, бутун инсон фаолиятининг ҳамда оламни билишнинг мазмунини қандайдир "билим квантлари" кўринишида анланган маънолар тушунчасига мувофиқ келади;

Р.Ахророва – ФарДУ чет тиллари факультети немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси.

концепт табиатини таърифлаш ва аниқлашнинг энг яхши йўлини тил таъминлай олади, деб ҳисоблайдилар. Тилшуносликка бағишланган кўпчилик ишларнинг муаллифлари концепт атамасини бошқа атамалар билан таққослаш йўли билан аниқлашга ҳаракат қиладилар. Бир қатор ишларда энг аввал тушунча, маъно, мазмун ва концепт атамалари аниқ чегараланади. Одатда тадқиқотчилар концептни концепт доирасининг бирлиги сифатида, маънони эса тилнинг бирлиги сифатида кўриб чиқадилар. Хусусан, шундай нуқтаи назарни З.Д.Попова ва И.А.Стернин куйидагича эътироф қиладилар: “Маъно билан концепт тушунчаларини бир-бирлари билан алмаштириш мумкин эмас: концепт – бу, концепт доирасининг бирлиги, маъно эса семантик тизимнинг, тилсемантик майдонининг бирлигидир. Маъно ўзининг комплекс семалари орқали концептнинг ташкил этувчи маълум белгиларни билдиради, шунингдек ҳар доим концептнинг фақат маънога оид мазмунли қисмидир. Концептни изоҳлаш учун одатда кўп сонли лексик бирликлар, ва шунингдек, кўп хил маънолар керак бўлади”. З.Д.Попова ҳамда И.А.Стерниннинг фикрига кўра “сўз концептни тўлиқлигича ташкил этмайди – у ўзининг мазмун-маъноси орқали сўзлаётган киши учун уларнинг бош мақсадини ташкил этувчи, унинг интенциясига кирувчи, билдириш учун релевант бўлган бир неча асосий концептуал белгиларни узатади. Бутун концепт, ўзининг мазмун бойлиги нуқтаи назаридан ва назарий жиҳатдан, ҳар бири унинг фақатгина бир қисмини очиб берувчи фақат тил воситаларининг мажмуи орқали ифодаланиши мумкиндир”; “сўз” ҳар қандай номинация каби концептни фикрлаш бирлиги сифатида “кашф этувчи” ва ундан фикрлаш концепт мужассамланади.

Концептнинг вербаллашуви жараёнида унинг мазмунини аниқловчи маъноли белгилар унга мувофиқ тилдаги белгининг маъноли таркибига қайта кодлашади.

Тилшунослик томонидан фалсафанинг логика бўлимидан ўзлаштирилган “концепт” атамаси баъзан “тушунча” атамасининг синоними сифатида ҳам қўлланади. С.А.Аскольдов, Алексеев фикрлаш жараёнида биз учун сони аниқланмаган бир жинсга мансуб бўлган кўпчилик нарсаларнинг ўрнини босадиган “хаёлий ҳосила” деб таърифлаган эди.

Бироқ, кўп ҳолларда тадқиқотчилар ушбу икки атамани олам ҳақидаги турли тоифа билимларга, яъни: “индивидуал ва ижтимоий” билимларга, оддий, кундалик ва илмий билимларга, бирламчи тимсолий ва маданий асосдаги тушунчага табақалаштириб чегаралашга ҳаракат қиладилар. Хусусан, тушунча концептга нисбатан мазмунан торроқ деган нуқтаи назар мавжуд.

Тил соҳибларининг онгида тушунча-тасаввур концептнинг таркибий қисми сифатида ҳозир бўлади ва у турли хил ассоциациялар ҳамда интерпретациялар (талқин-изоҳлар), билан “бойиб” боради. Масалан, В.И. Карасикнинг фикрига кўра, тил соҳибларининг алоҳидалашган ва ижтимоий онгида концептни тушунча-тасаввурнинг ўриндош сифатида когнитив, психологик жиҳатдан тушуниш ниҳоятда ишонарли, деб тасаввур қилинади; Д.С.Лихачев томонидан асосланган бу нуқтаи назар “ассоциацияларнинг ва маъноли кўчиришларнинг бойлигини (ҳаттоки, хато талқинларгача) инobatга олишга, тил яратувчиларининг аҳамияти, ўрнини аниқлашга, мазмун - билан алоҳида одамлар ва одамларнинг гуруҳлари онгида мавжуд бўлган ушбу мазмун моҳиятнинг концепти орасидаги фарқни ўлчашга имкон беради. Концепт луғатда мустаҳкам таъкидланган лексик мазмундан кўра анча кенгроқ маънони билдиради. Бизнинг фикримизга кўра, Д.С. Лихачев концептнинг муҳим бир томонига эътиборимизни қаратди, яъни концепт “вазнсизлик”да бўлмайди, балки, у ҳар доим аниқ бир кишига ёки кишилар гуруҳига тегишлидир. Н.Д.Арутюнова концептни амалий, кундалик турмуш фалсафасининг тушунча - тасаввурлари сифатида ўрганади ва уларни “миллий анъана ва фольклор, дин ва миллий мафкура, ҳаётий тажриба ва санъатдаги тимсоллар, ҳис-туйғулар ва қадриятлар тизими каби омиллар таъсирида пайдо бўлади”, деб ҳисоблайди. Кундалик турмуш жараёнида орттирилган билимларни кўпинча “оламнинг содда тасвири”, деб номлайдилар ва бунда содда тушунча-тасаввурлар ўзларининг мураккаблиги ва қизиқарлилиги жиҳатидан илмий тушунча-тасаввурлардан қолишмаслиги ва улар “макон ва замоннинг содда геометриясини, содда физикасини, содда этикани, содда психологияни” ташкил этишлари эътироф қилинади.

Кундалик ҳаётий ва илмий билимнинг қарама - қаршилигидан келиб чиққан ҳолда,

Ю.С. Степанов ҳам концептни талқин қилишда фойдаланади. У концепт таркибида мавжуд бўлган турли хил қатламларни ажратиб, бир хил қатламни фақат тегишли мутахассисга мувофиқлигини, бошқа хили эса “умуммиллий қадрият” эканлигини таъкидлайди.

Ҳозирги замон тилшунослигида концепт моҳият-мазмунининг қандай тасаввур этилиши тўғрисида фикр юритиб, концептнинг турли тавсифларида унинг антропоцентрик (яъни, инсон - оламнинг маркази сифатидаги) табиати ва ўзаро алоқалари, одам (ва турли одам гуруҳларининг) ҳамда маданият концепт доираларининг ўзаро шартлашувлари у ёки бу даражада таъкидланишини эътироф қиламиз. Бу, дастлаб келтирилган концептнинг таърифларидан кўриниб турибди.

Худди шу ўринда Ю.С.Степановнинг “Рус маданиятининг луғати” (“Словарь русской культуры”)да берилган яна бир таърифни келтирамиз, яъни: “Маданият – бу, концепт ва уларнинг ўртасидаги нисбатларнинг йиғиндисидир. Концепт – бу, инсон онгида шаклланган маданиятнинг ҳосиласидир. У одамнинг ментал (шахсий) оламига кириб келаётган маданиятнинг бир кўринишидир. Ва бошқа томондан концепт – бу, оддий “маданий бойликларнинг яратувчиси” бўлмаган одамни ўзининг маданиятга кириб бориши ҳамда баъзи ҳолларда унга таъсир қилишининг воситасидир. Атаманинг туб мазмунини билдирувчи тушунча-тасаввурлардан фарқли ўлароқ, концепт нафақат фикрланадилар, балки одамлар руҳий жиҳатдан бошидан ўтказадилар ҳам. Улар ҳис-туйғуларнинг ёқтиришнинг ва хуш кўрмасликларнинг, баъзан эса тўқнашувларнинг асосидир. Концепт-инсоннинг ментал оламидаги маданиятнинг асосий уясидир”.

Шу билан бирга, тилнинг концепт доирасини ўрганишга доир илмий-тадқиқот ишларининг кўпчилиги ҳар қандай ҳолларда ҳам барибир умумий белгиларга эга бўлган концептнинг миллий жиҳатдан фарқланишини аниқлашга бағишланган. Концептни объектлаштирувчи лексемаларнинг

контрастив таҳлили мисолида қатор ишларни таъкидлаш мумкин. Баъзи бир ишларда ҳар хил тиллардаги лексик-семантик гуруҳлар ва майдонларнинг қиёсий таҳлили мавжуд. Концептни қайта тақдим этувчи ўзакни ва лексик-семантик майдонларни аниқлаш турли маданиятлардаги у ёки бу концептнинг энг жонли, долзарб белгиларини ажратиш учун имкон беради (албатта, мазкур концептнинг миллий концепт доирасида мавжуд эканлигини ҳисобга олган ҳолда концептнинг миллий – маданий жиҳатлардан шартланганлигига мурожаат қилиб, бизнинг фикримизга кўра, гарчи “миллий концепт” тегишли маданият соҳибларининг барчаси учун асосан умумий бўлса ҳам, улар миллий-хусусийлик (ментал) жиҳатдан миллатни бирлаштиради; бироқ, вазият фақатгина идеал нуқтаи назаридан, хаёлан мана шундай кўринишда бўлади, амалда эса у ҳар доим мақсадга мувофиқ бўлолмайди, чунки лингвомаданий ҳамжамоанинг баъзи бир алоҳида аъзолари томонидан миллий концептни ўзлаштириш даражалари бир-бирларидан жиддий фарқланиши мумкин бўлса ҳам, “этник хусусийлик”лар алоҳидалашган ҳолда эмас, балки ижтимоий белгиларда намоён бўлади” ва шуни инобатга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, Н.А.Илюхинанинг ассоциатив-семантик майдоннинг аниқ лексик майдон билан тўлдирилишидаги алоҳида вариацияланиши эҳтимоллиги, яъни “мактаб ўқувчисиди ва кекса кишида ҳам, шаҳарлик ва кишлоқлик кишиларда ҳам турли касб эгаларида ҳам, ассоциатив-семантик майдоннинг ҳажмлари ҳар хил лексик майдонга эга эканлиги ҳақидаги фикрини келтириш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, маъноли вариацияланиш – концептнинг айрилмас хусусияти. Шу боис, турли хил лингвомаданий ҳамжамиятлардаги концептнинг умумий ва миллий-хусусий белгиларини ўрганишда бир-бирларига мувофиқ ижтимоий гуруҳларда таққосланишларни амалга ошириш даркор.

Адабиётлар:

1. Попова З.Д., Стернин И.А. Структура языка. – Воронеж, 2001.
2. Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. – Москва: изд-во «АСТ» Южно-Запад. 2007.